

Бошлангич

Бизда адабий тафтишлар эндигина бошланмокдадир. Бу майдон канча кенг бўлса, шунча хам ишлар билан тўладир. Бизда адабиёт билан машгул кишилар хам оздир. Лекин бу оз ва йўк билан каноатланиш мумкин эмасдир. Нима бўлса бўлсун, кўлдан келганча хизмат килиш керакдир. Ман бу йўлларни ёзишга факат шунинг учун журъат кила олдим.

Бу ёзгонларим бир танкид эмасдир. Чунки хали танкид ишларига киришиш учун керак кадар куч менда йўқдир. Мақсадим, ҳеч бўлмаса, буюк кишиларимиз билан элимизни танишдирмокдир. Шу мақсадим йўлида озгина муваффақ бўлсам, бахтиёрман. Нуксонларимнинг кечирилишини, хато ва сахвларимнинг кўрсатилишини ахлидан сўрайман.

* * *

Ўзбек адабиётининг анча эски бир тарихи бордир.

Бу тарихда Навоий даври, Умархон даври каби гуллаган тарихий даврлар хам бордир. Бу даврлар ва буларнинг орасида ўткан замонлар беш юз йилдан ошукдир. Бу узок фурсат ва замоннинг ҳар вақтида ўзбек-чигатой шоирлари кўрулгандир. Буларнинг орасида энг буюк санъаткорлар бўлганидек, дохийлар хам мавжуддир.

Чигатой адабиёти даври ўзбек адабиёт даврининг отасидир. Лутфийлар, Навоийлар, Султон Хусайнлар, Бобурлар, Солихлар, Яссавийлар, Умархонлар, Фазлийлар, Зебунисолар, Нодиралар ва булар сингари кўб шоирлар бу адабий даврларнинг бизга маълум бўлгон гуллариридирлар.

Бир ўртоғимизнинг айтганича, майда-чуйда нозимлар истисно килингонда, анчагина муҳим ўрун тутатургон шоирлар беш юзга яқиндир. Бу шоирларнинг кўбини елгиз отлари билан, бир-икки парча шеърлари билангина таниймиз. Булар текширилсалар, бизнинг анча муҳим хазиналаримиз очилгон бўладирким, бу вазифа бу кунги адабиётчилар бўйнидадир.

Юкоридаги микдор хам менга колса муболагалик эмасдир. Чунки шу замонамиздаким, бутун тарихимизда кечирган ҳолларимизнинг энг бадбахтида яшаймиз, элликдан ортик шоирлар борлиги кўринмакдадир.

Узун тартибсизликлар оркасида бузулган, биткан ўлкамизнинг оқибат ўлдургувчи истибдод идораси остида ижтимоий ва иктисодий ҳаётимиздаги пастланиш адабиёт тарихимизда очик сезиладир. Ҳеч бир даврда шу кунда бўлгони каби адабий пастлик кўринмагандир, десак янглишмаймиз. Чунки тарихимизнинг ҳеч бир даврида иктисодий ва ижтимоий ҳолимизнинг бу кадар пастланган даври йўқдир.

Бу кун халкимиз шу кадар фақир, шаҳарларимиз, кишлокларимиз шу кадар харобдирки, бундай ҳоллар сўнгги асрдан бошқа вақтда кўрулган эмасдир. Санъатимиз, тижоратимиз хам бу сўнгги асрдан илгариги асрларда жуда юкори тургони маълумдир.

Ўткан, шарафли асрларимизнинг махсули бўлгон меъморимиз, тўкимачиликдаги юксаклигимизнинг сўнгги учкунлари хам бугун сўнмакдадир.

Бухоронинг машхур Карши олачалари инкилобкача давом этди; бугун эса афсуслар орасида эшитамизким, сўнмишдир. Бир санъаткоримиз колгон экан, уда битмишдир. Меъморимизда буюк санъаткоримиз бор экан, бу кун бутун Туркистонда ёлғиз колгон «уста»ларимиз ҳам сўнгги дакикаларини ўтказмакдалар.

Муסיкийда ҳам холимиз шу эмасмидир? Бухорода сўнгги муסיкий санъаткорлар ортик кариб колгондирлар, Бухородаги «миллий муסיкий мактаби» жуда кўб фидокорлар оркасида ҳеч бўлмаса, шу санъатни тагин бир неча йилга яшатмок учун тузулган эмасмидир?

Сўнгги ижодчи ашулачимиз Тўйчидан кейин тагин бир шундайимизни кўришимизга ҳар холда анча замон ўтиши керакдир. Холбуки, тарихимиз бундай санъаткорларни юзларча санайдир. Бу санъатларнинг иктисодий ва ижтимоий ҳаётининг юксалиши оркасида бўлиши аникдир.

* * *

Ўзбекнинг чигатой адабиётида истар назмнинг шаклида бўлсун, турли жараёнлар бордир.

Турк тилида табиий назм шакли хижо вазнларидир. Аруз вазнининг «охангдор» ва «сомеънавоз» бўлиши туркларнинг уни қабул қилишларига бир сабаб бўлгондир. Факат аруз вазни ила ёзилгон назм ва шеърларда туркчанинг «талаффуз охангини» риоя этганлари оз учрайдир. Иккинчи сабаб эса туркларнинг Эрон маданияти таъсири остида бўлишларидир.

Хижо вазни аввалдан бери ора-сира тузук шоирлар етишдиргандир ва халигача халк вазни бўлуб халк ашулаларида ишлатилиб келинмакдадир.

Аруз вазни эса «юксак адабиёт» учун ишлатилгандир ва шунинг учунда умумий адабий вазн ўларок қабул қилингондир.

Ўзбекнинг чигатой шоирларининг шева айирмаликларига келсак, икки шева ҳукм сурганини кўраимиз.

Бири шарк турклари ёки чигатой шевасидирким, бизда асосий шева шудир ва Навоийлар, Бобирлар, Фазлийлар шу шева билан ёзгондирлар. Бошқаси гарб турклари ёки Туркия шевасидирким, бу машхур лирик шоир Фузулий оркали бизда тарқалгондир. Кўб шоирлар бунинг оркасидан боргонлар. Бу икки шеванинг биринчиси ўзимизники бўлғони эътибори билан, иккинчиси суйилуб ўқилгонидан бизга ёт эмасдир.

Гарб шевасининг бизда тарқалишига иккинчи сабаб унинг баъзи жиҳатлардан енгилрак бўлишидир.

Бу маколамизда текширмак истаганимиз самаркандлик муосир шоиримиз Ажзийдир. Исми Сайидахмадхўжа, унйони Сиддикийдир. Ўзининг асосий касби бўлиши эътибори ила ҳозир ҳам Самарканд теграсида Халвойи кишлоғида дехкончилик билан машғулдир. Буюк бир истеъдодга эга бўлгонидан кўб санъатларнинг устосидир. Бошлаб Сиддикий яхши бир техникдир. Соат ва турли мошиналарни тузатмок ишига мохирдир. Яхши тўкқувчи за тикувчидир, кўб йиллар бу санъат ила яшагондир. Муסיка билан ҳам анча шугуллангандир. Ўз тилидан бошқа араб, форс, рус тилларини биладир. Форсча шеърлари форс адабиёти билан яхши таниш эканига шохиддир. Араб ва рус адабиётлари билан ҳам анча ошнодир. Сўнгги йилларгача Самарканд газит ва журналларида босилгон шеър ва макалалари кўбдир. 1913-нчи йилда Туркистон сензури руҳсат бермаган ва Кафказда босдирулгон форсча «Анжумани арвоҳ» ва

«Миръоти ибрат» деган хаёлий хикояси Самарканд ва Бухорога катта таъсир килгондир ва Самаркандда жадидларнинг бошида Бехбудий, Сиддикий ва жадид мактабининг муаллимларидан Шакурий ўларок расман такфир этилишларига сабаб бўлгондир. Мактаб ва мадрасалар учун тузулган бир тажвиди, форсий газаллар мажмуаси, «Ганжинаи адабиёт»и бордир. Туркча ўларок «Айн-ул-адаб» исмида газаллар мажмуаси ва манзум ўларок «Миръоти ибрат»и бордир.

Мансур бир асарининг ёзилгани ҳам маълумдирким, факат босилмагондир. Бу шоир сўнгги даврда - таъбир жоиз бўлса, Уйғониш даври шоирлари орасида муҳим ўрун тутадир.

Ажзийнинг ижтимоий фикрлари ҳақиқатан уйғониш даврининг руҳини ташаххус этдирадир. Кўлимиздаги асарлари ижтимоий дардлар билан кўмилган вақтида ёзилгон нарсаларидир, булардан илгари ёзилгон нарсалари босилмагондир. Бир шоирнинг тамом ҳаётини, кучини англамоқ учун, албатта, унинг тараккий даврини билмак зарурдир. Бизда Уйғониш даврига кирган кўб шоирларнинг ишқий асарларининг майдонга кўйилмагани у вақтнинг умумий руҳининг таъсири биландир. Кўб шоирларимиз «жадид» бўлиш ила эски шеърларини йиртиб, ёндируб ташлагондирлар. Холбуки, бу асарларда ҳақиқатан санъат эътибори ила кийматли нарсалар кўб бўлгондир.

Ажзийнинг «ишқ»и

Тасаввуфчи шоирларнинг зоҳирий ишқни тасвир этиб туруб, асосан мутасаввуфона фикрлар тасаввур этишлари маълумдир.

Бизнинг шоир эски шеърнинг шаклий жиҳатларини, ифода тарзини айнан қабул қилиб, ичига эскига тамомила қаршў бўлгон ўз руҳини, янги руҳни киргизгандир. Ажзий шевада Фузулий йўлини туткан шоирлардандир.

Бу шоиримиз ҳам ошиқдир. Факат бунинг ишқи у на тасаввуф ишқидир, на реалист шоирларнинг зоҳирий ишқидир. Шоиримиз ошиқдир, маъшук эса халқдир, миллатдир.

Миллати ва халқига муҳаббати унинг ишқидир. У ишқ эса бизга шуни билдирадир.

Ажзий миллатининг ишқи, дарди билан сугорилгон бир шоирдир. Унинг бу ҳаяжонлари ясалма эмасдир, чиндир, табиийдир. Ул кўзёш тўкса, миллати учун тўқадир, бировдин ҳафаланса, миллатининг ҳолига бокмагани учун ҳафаланадир. Бировдин хурсанд бўлса ҳам миллати, халқи учун бўладир. Қарангиз, шоир ўзининг дардли эканини қандай англатадир:

Нихол дардидир бани ҳосилим ашқ қаторимдир,
Фано гулзорин обод айламиш жисм низоримдир.
Дўқар қон бағрими гул яфрогитек чоқи-чоқиндин,
Чаманда гунча бағрим ҳолидин ойинадоримдир.
Чаман раъноларин сирридин истигнодаям зеро
Сариг руҳсора окмиш қон ёшим ранг баҳоримдир.
Диққат жисми бетобимда тийғи зулм қардунидин
Оқилмиш гулшаним тан боғида ё лолазоримдир, -

дейдир ва ўзининг бу дардинингда «мақсуд»ининг «кўз оқидида» бўла туруб, «ундан маҳрум» эканини айтадир:

Кўзим оллинда максудим эдар жавлон, махрумам,
Бу ахволим гувоҳи кўзларимда интизоримдир,—

деб ўзининг бир «максуд»и борлигини айтадир ва бу «максуд»ининг нима эканини мана шунда ишора қилиб кетадир:

«Хаёти маънавий» мафтунам, зинхор айб этманг,
Бу савдо кулфати-ла бешуур ўлмок шиоримдир.

Демак, бу шоирнинг бир дарди бордир, яъни шоиримиз «дардли» шоирдир ва дардининг «маънавий хаёт» эканида маълумимиздир. Юкорида айтган дардини, изтиробини қандай шарҳ этадир:

Банго қарорсиз ўлмокда вордир боис,
Қарори вермакда алдан қарордир боис,-

дейдир ва кўрингиз «қарор» сўзи билан қандай ўйнайдир. Бу эса шарҳ шоирлигининг энг мўътабар бир хусусиятидир. Бунинг «маъно» жихатидан ҳам қандай тўла экани оз мулоҳаза билан англашиладир. Сўнгра юкорида сўзлаган «кўзларидаги интизор»ининг нимага эканини очикдан-очик майдонга отадир:

Ватан харобасин ислоҳина интизоридаям,
Бу интизорима бир интизордир боис,-

дегандан кейин бу интизор бўлишининг сабабини шундай шарҳ этадир:

На ўлди миллат ўлуб эътибордин махрум,
Бу йўлда маслаки беъэтибордир боис, -

деб янгилик умумруҳига кириб, миллатининг «эътибордан махрум» қилингонини ва бунинг сабабини эса «маслаки беъэтибор» эканини кўрсатадирким, шоир бу фикрини ҳақиқатан исбот эткандир.

Бир миллатнинг, бир қавмнинг ёки бир гуруҳнинг эътибор қозонмоғи, ўзини яшатиши учун бирдан-бир восита бўлгон бир мафкурага молик бўлиш кераклиги бадихийдир. Ажзий ўз миллатида шу «мафкура»нинг йўқлигини аччиғ ўларок сезгандир, «ватан харобаси»нинг ислоҳи учун бир «маслаки бозэтибор» кераклигини халқига талкин қилмокчи бўладир.

Шоир ишқини мана шу байтда том маъноси-ла майдонга қўядир:

Бул ҳаваслар ҳўбравлар қоқилин мафтунидир, Фитнаи даврона сайд ўлмок бан мафтуна хос.

Яъни «ҳавас» орқасидан юрганлар чиройликларнинг қоқилига ўрулгондирлар, «даврон»нинг фитнасига ўрулмок ёлғиз менга махсусдир, деб ўзини боғлаб олгонларнинг у чиройликлар эмас, давроннинг фитнаси эканини айтадир. Руҳи бўлмагон ундай чиройликларнинг деворнинг суратидан бошқа нарса эмас эканлигини билдирмокчи бўладир.

Сурат девора мафтун жамсли ўлмаким,
Йўхдирур тасвир дардиво, девор ўлмаса, - дея.

Ундай нарсаларнинг ахамияти йўклигин, асосий ахамиятнинг юзда эмас, ичда — рухда эканини айтадир ва шу сўзи билан бизнинг шу давримиздаги шоирларнинг хали ҳам шу бўш «ишк», «мухаббат» сафсаталари билан юрганларига каттиг зарба бермакчи бўладир.

Ажзий шу «тарзи тафаккур»и билан адабиётни ижтимоийлаштирмак ва уни жамият учун фойдали бир шаклга сўкмок истаганини билдирадир.

Хакикатан ва «янгилик» даврининг таъбирича айтсак, «миллий шеър» ва «миллий шоирлик» тарафида эканини кўрсатадир. Бўш «хол, хат, зулф»лардан фойда чикмаслигини ва бу калималарни «хаётийлашдирмак» кераклигини чин тушунганидан бу сўзларга бошка ранг бера бошлайдир.

Модомики, «ишк» халк мухаббатидир, бу сўзларнида нега унинг учун ишлатмак мумкин бўлмасун?!

Мана, «зулф, Лайло, Мажнун, нашот, базм» таъбирини ўз ишкига кандай уйдирадир:

Парирўлар паришон зулфининг хотирпаришонам,
Паришонам недан, хотирпаришонлика хайронам.
Недан овора дашти гамда нолон кездигим, билмам,
Магар Мажнуни Лайлои нашоти базми урфонам.

Ажзий «урфон базми нашъасининг Лайлоси» учун «паришон»дир, унинг «Мажнуни»дир. Кўрунгиз, «шароб» ни, «базм»ни ўз адабий маслакига кандай уйдурадир:

Бани гафлат шароби сархуш этмиш жоми макрингдан,
Бошимга лашкари гам фавж-фавжини рахо этдинг...
Маризи иттиходам, анжуман базми табибимдир,
Банинг шўро шароби боис дафъи хуморимдир,—

байтида «гафлат шароби», «шўро шароби» таъбирлари ясайдир. «Дардинг нима?» деб сўрагонларга «Иттиход!» дейдур, табибнинг эса «анжумани жамият» базми эканини ва давосининг эса «маслахат-машварат» бўлиши кераклигини айтадир.

Шунинг билан ўз халкининг ҳеч «иттиход, уюшмак, маслахатлашмак» деган маданият муассирларига якинлашмаслигидан зорланадир. Хакикатанда шоирнинг фикри тўғри эмасми? Хар бир иш «кўл бирлиги, уюшмак, кенгаш» билан илгари босмайдирми? Ўз халкининг саодатини Ажзий ҳам «шуларда» кўрадир:

Гирифтори саводи хатту холи сафхаи дардам,
Асири кулфату ранжу балоу доги хирмонам.
Давойи захми носурам эмишдир сухбати «ориф»,
Вале махдуми пайкони балойи «кавми нодонам»,—

байтлари биланда ўзининг дардини шарх этадир. Ўзининг «ориф, яъни маърифатли»лар сухбатидан махрум эканини ва «нодон кавм»нинг бало ўқларига

«нишон» бўлгонини айтиб, яна ўзига ўзи таскин берадир:

«Ракиб»дан на жафо келса, собир ўл, Ажзий,
Ким ўлмади очи сув ичра бекарор садаф.

«Ракиб» хар канча жафо килса хам сан сабр кил, дейдир.
Ажзий «хижрон, бахт, рухсор, сархуш» сўзларинида ўз фикрига махкум килиб оладир.
Ўз тилагини шулар билан ҳеч кийналмасдан ифода киладир:

Субх умидим магар этмиш шаби хижрона арз,
Ким каро бахт этди рухсорин бан кайрона арз.
Нашъаи жом таназзули сархуш этмиш дахр элин,
Ё Раб, этмазми бизи бу нашъа кабристона арз.

Кўрунгиз, Ажзий «сурат асхоби»ни кандай тахкир этадир:

Сурат асхоби дагил махрам кўнгул асрорина,
Окил эрмас кимса максудин эдар нодона арз.

Эски «хусн, ишк» шоирларига карши бундан катта хужум кандай бўла олур?! «Сурат асхоби»нинг «нодон» эканлари маълум бўла туруб, «кўнгул» сирларини айтиш «окил» иш эмасдир, дейдир.

«Ишк, хусн, хат, хол» шоирларининг ўз махбублари оркасидан югуриб, югуриб чарчагач ва ундан бир илтифот кўрмагач, маъюсона килгон «куфр»лари бордир. Факат Ажзий бу кабилдан эмасдир, бу тўғридан-тўғри у йўлдаги адабиётни, шеърни ҳаёт учун кераксиз биладир. Шунинг учунда у йўлдан кайтадир, «ишк»ни бошқа йўлга бурмак истайдир, халк кайгуси билан кайгурмок, эл дарди билан ёнмок йўлини тутадир. Бутун борлигини шунга сарф этадир:

Вокиф ўлким, доша найсон душмадии таъсир йўх,
Сўйламак нодона дош, этмакдир галтона арз.
Мояи инсофи йўх пандинг кимашин найласун,
Гавхари максудинг эт бир сохиби виждона арз.
Сўрма амният тарикин, Ажзи(й), хар бемагздин,
Сохиби урфона арз эт, сохиби урфона арз.

Бу бандимизни шоирнинг тубандаги самимий, об-дор фарёди билан тугатамиз:

Надур, ё Раб, бу гирён чашми хунборим таманноси,
Бани гарки бало тўфони этмишдир бу дарёси.
На гулшандир буким, хар гулдадир бинг ханжари хунрез,
Недандир бенгзамиш жаллода хар бир сарви раъноси.
Бу гулшан, гулшан эркан, дахр хористон эмиш якса,
Насил хор ўлди гулшан, гулшан ўлди хор маъноси?
Тамаддун биза эркан чўла гезмиш вахший асхоби,
Недан, ё Раб, бу дам вахшата ўртанмиш сарупоси.

Маориф турраи мушкини савдоси-ла мафтунам,
На сеҳр этмиш бани холу хат урфон Лайлоси.
Бу кун хибс садолари фанни осор жаид эрмаз,
Бизим чӯхдан садомиз хибса олмиш жахл хулёси.
Матойи маърифат бозори савдосиндаям, Ажзий,
Каму савдо солиб бошимга бу савдони савдоси?!

Ажзийнинг ижтимоий фикри

Шоиримиз у катта инкилобгача чўзилгон охири асрнинг етишдирган кишисидир. Шу даврда етишган мутафаккирларимиз каби уда тамомила ўрус истило сиёсатига душман бир рухга моликдир. Ажзий ижтимоий ҳаётимизнинг ҳар сафҳасига жуда чуқур тушунган ва унинг ислохи учун фаол бир суратда қолишканлардандир. Беҳбудий ўз ишларида Ажзийни биринчи ёрдамчи ўларок ҳар вақт кўргандир. Эски даврда, яъни букж Русия инкилобгача бўлгон бизнинг ҳаракатларимизнинг Ҳар соҳасида билфеъл иштирок қилгон кишидир. Жаидлик даврининг энг биринчи фаолият майдони ҳаткни - миллатни етишдирмакдан иборат эди. Бу давр маорифчилик даври аталса ҳам мувофик бўлур. Ўрус миллатчилик заҳарли заҳмлари Ажзийнинг бағрига чуқур излар қолдиргондир. У ҳар вақт элнинг қонли қанчалари остида қолишдан қорланадир, ҳар томонга қараса, шуни кўрадир, ҳар воқеадан шуни истихроҷ этадир, юлдузлар Ажзийча элнинг бағрига отилгон тошлардир:

Қавқабларинг-ла миллати ислома отма дош,
Бағрин қарохати қиламаз шимқидин қарош.

Булут унинг кўзига миллатини маърифатдан маҳрум қилгон бир қевордир:

Абри қаролат ила бизи қардапўш эдуб,
Чӯхдан ёшурдинг эл ёнидан шуълаи қуёш.

Мана, кўринғиз «лола» Ажзийнинг кўзига қандай кўринадир ва ундан нималар қикадир:

Кўранда лола яфрoғин гумон этмақ қамандир бу,
Лисони ҳол қарифи дарси ибрат, анжумандир бу.
Шаҳиди қанҷари ишқи ватанлар лахта қонидин,
Кўрунмиш қарда номус илан ҳуни қарандир бу!

Эскидан маҳбуба ва маъшуқаларнинг юз яноғи ва лабларига ўхшатиқон гул қанғлари унинг кўзига кўрун-ғиз, қандай кўринадир:

Бу гулшан саҳнида гул яфрoғи қанғи гумон этмонғ,
Қизармиш ҳуни ноҳақ қанғидин ҳоқи ватандир бу!

Раста, қозорлар ҳам унға зулм тирноғи билан тилинған тилимлардир:

Диликлардир сўкоку расталар гардун хорошидин,
Тазаллум новакидин йўкса чок ўлмиш бандандир бу!

Ажзий ойна кўрганда унинг тозалигини эмас, унинг юзидаги «лака»ни кўради ва ундан миллатини эслайди:

Юзинг курси камар рухсор янглиг чок-чок ўлмиш,
Каму бахти каролари, тийра дилар этди жамолинг! -

ноласини чекади.

Ажзийнинг ватан ва миллатини суйгани ва бундан олгон таассурини хар кадамда изхор этгани, хатто таъбир жоиз бўлса, ҳеч бир дам миллат, ватан андишасидан айрилмоғони шеърларидаги нола ва фарёдларидан очик кўринади.

Шоирнинг бу суйгани, элининг дарди билан мутахис бўлғони курук бир севиш ёки бир бўш таассурдан иборат бўлуб колмайдир. Балки сўз билан канча куйуб-ёнса, шунча амалий ишга ҳам киришади. Бошлаб маъшукининг асир экани кўзига кўринади ва йиглай бошлайди:

Кимса, ё Раб, бу дили зорима этмазми илож,
Дили гам дийдаи афкорима этмачми илож.
Гам хужуми-ла дўкар дийдаларим кон, ҳеч ким
Бани бу дийдаи хунборима этмазми илож.

дегандан кейин ёшлик кўзлари билан сизга зорлана бошлайди:

Халқдин ёрлик истарман ул умид илаким,
Келмиш агёрдин озорима этмазми илож, —

дегач, бу «гайр»дан келган «озор»нинг «кавмият шаънининг» кандай «паймол» килгонини тўлуб-тошиб англата бошлайди:

Шаън кавмият душворки, кўрсам поймол,
Кимса бу холати душворима этмазми илож.

Ажзий ўз ох-вохидан ва кўб йиглагсидан кейин канча йигласа ҳам, дод деса ҳам ўз максadini ўз элига очик билдира олмагонидан ўзи мунфаил бўлуб, мукаддар саволга жавоб бера бошлайди:

Нолау фарёд этарму кимса бемор ўлмаса,
Сийнаси тиги «таззалум»лар-ла афкор ўлмаса.

Ва:

Ёра арзи муддао такдим этарман ошкор,
Махфилий дилбарда номахрам-ла «агёр» ўлмаса,—

байти ила дилбарининг мажлисда «номахрамлар» билан «агёр», яъни ўз миллатининг гайри миллатлар чангалида бўлиш жихатидан шоир муддаосини очик айта олмасликидан зорланадир ва фитначиларниш тузогидан «акл ва фаросат» эгаларининг ҳеч вақт «эмин» бўла бўлмагонларини, эҳтиёт килмаса, кўлга тушуб қолиш эҳтимоли борлигини айтиб ўзининг оркасидан ўрус хуфияларининг тилга юрганига ишорат киладир:

Фитнажўлар кедидин эмин дегил ахли тамиз,
Сайди доми фитна ўлгай кимса хушёр ўлмаса.

Ва ўзининг сирларини қандай пардалар орасида ёшурганини ва муаммодан хабардор бўлмаганларнинг сўзнинг мазмунига тушунмаелигини билдуриб ўтадир:

Шеваи гуфторим асрорига махрам ўлмади
Кимсаким, Ажзий, муаммодан хабардор ўлмаса.

Юз йиллар бўйинча узун муддат тартибсизликлар ичида яшагон ва сўнгра эллик йиллаб сиёсий ва иқтисодий бир истибдоднинг оғир юки остида бирдан-бир тебранмакчи бўлгон буюк бир каталанг етишдирган кишисининг шундай ватанчи ва миллатчи бўлиши керак эди. Биз Ажзийнинг «миллат» деган тарзи талаккийсидан англаймизки, бу кундаги тарзи истеъмолидан бошқа бир маъно берадур, унингча «ислом» бир миллатдир, ҳар «мусулмон» ўз миллатининг бир аъзосидир. Бу тарзи талаккий ёлгуз Ажзийда эмас, бу даврда яшаган кўб кишилардан кўриладир. Булар ислом динининг миллат сажиясини бир миллатга керак бўлгон қадар, биргаликда даъво киладир. Инсонларнинг ҳеч бирининг бошқасидан (кон — узв) жихатидан айирмасй йўқлигини, бўлса - сажия, тил, анъана, гоё эътибори ила бўлиши мумкин эканини илгари сурадилар. Шунда минг уч юз йилдан бери ислом миллатларининг бир-бирови билан яқин муносабатлари оркасида (ахлоқ — одат) эътибор ила ҳар ерда бир турлук эканини ва ҳар бир мусулмоннинг «ислом байнамилал тили» арабча оркали бир-бировни англай олишини ва бир минг йил илгари анъананинг давр анъанаси остида секин йўқ бўлуб кетганини баён киладилар. Бундан бошқа мусулмон миллатларининг гоё эътибори билан ҳам бир шаклда, бир йўлда эканларини айтадиларким, уда бутун мусулмонларнинг Оврупо зулми остида бўлишлари ва бундан кутилиш кераклигидир.

Бизнинг Ажзий ҳам шу замирдандир. Унинг учун турк, форс, араб, хинд миллати йўқдир. Буларнинг мусулмон бўлгон қисми ҳаммаси бир миллатдир. Бу фикр мусулмонлар орасида асосан эскидир. Исломи дини ҳақиқатан шу қадар таъсир эткандирки, уруг, насл эътибори ила келган айирмалардин айирмаси остида сўнуб, эътибордин тушгандир. Араб конининг бошқа «ислом» миллатлари конига кўб қўшилиши ҳам бунга кўб ёрдам қилгондир. Ҳозир ҳам халқдан «кимсан» деб сўралса, «мусулмон» деган жавоб олинади. Бир миллатнинг бу тарзи тараккийси Ажзийнинг ўз даврининг кишиси эканини кўрсатадир.

эълон килинган. Бу манбани адабиётшунос Б. Косимов кичик сўзбоши билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1989 йил 10 ноябрь сонида кискартириб қайта нашр этган. Мазкур манбани ҳозирлашда профессор Б. Косимов нашрга тайёрлаган ўша нусхадан аслига киёслаб фойдаландик.